

ЯҚИН ШАРҚ МИНТАҚАСИДАГИ ГЕОСИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРДА ХИТОЙНИНГ ИШТИРОКИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.7336592>

Каримов Фарход Эркинович

Ўзбекистон Халқаро ислом академияси

“Халқаро муносабатлари ва ижтимоий фанлар” кафедраси доценти,
сиёсий фанлар доктори

elegantsirius@list.ru

Аннотация: Мазкур мақола Яқин Шарқдаги муркаб геосиёсий жараёнлар шароитида Хитойнинг минтақадаги манфаатлари ва сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари, қисқа тарихи, минтақа давлатлари билан муносабатлари таҳлили келтирилган. Шунингдек, Хитойнинг Яқин Шарқдаги геоиқтисодий манфаатларини таъминлаш бўйича ҳаракатлари, Хитойнинг минтақадаги АҚШ ва ғарб давлатлари рақобат муносабатлари ёритилган.

Таянч сўзлар: Яқин Шарқ, Хитой ташиқи сиёсати, энергетик хавфсизлик, геосиёсий блокада, ташиқи куч омили, этносиёсий муносабатлар, “араб баҳори”.

CHINA'S PARTICIPATION IN GEOPOLITICAL PROCESSES IN THE MIDDLE EAST REGION

Abstract: This article presents an analysis of the characteristics of China's interests and policy in the region, its brief history, and its relations with the countries of the region in the context of complex geopolitical processes in the Middle East. China's efforts to secure its geo-economic interests in the Middle East, China's competitive relations with the US and Western countries in the region are also covered.

Key words: Middle East, China's foreign policy, energy security, geopolitical blockade, foreign power factor, ethno-political relations, "Arab Spring".

Ҳозирги кунда Яқин Шарқ минтақаси ўзининг геосиёсий ва геоиқтисодий аҳамиятига кўра дунёнинг муҳим стратегик ҳудудлардан бири ҳисобланиб, денгиз коммуникацияларининг муҳим маркази, дунё маданияти ўчоғларидан бири, улкан нефть захираларига эга ҳудуд сифатида узоқ даврлар мобайнида дунёнинг етакчи давлатлари диққат марказида бўлиб келмоқда.

Минтақа уч қитъа – Европа, Осиё ва Африка кесишган нуктада жойлашган бўлиб, Осиёнинг жанубий-ғарбий, Африканинг эса шимолий-шарқий қисмларини камраб олади. Бу ердан, Форс қўлтиғи ҳудудидан Хормуз бўғози орқали Қизил ва Ўрта денгизга Сувайш канали орқали муҳим алоқа ва асосий нефть ташиш йўллари ўтади [Ғафуров 2007: 1].

Дунёнинг геосиёсий бўлинишида сўнги пайтларда нефтни экспорт қилувчи Эрон, Туркия, Саудия Арабистони, Покистон каби давлатларнинг ўрни ва таъсири ўсиб бормоқда. Евроцентристик дунё тартиботининг тугаши билан Ғарб давлатлари билан бир қаторда янги куч марказлари пайдо бўла бошлади ва улар билан энди дунёнинг етакчи давлатлари ҳокимияти ва таъсир кучларини бўлишишларига тўғри келмоқда. Яқин Шарқ ва Жанубий Африка минтақаларини ана шундай янги куч марказлари сирасига киритсак бўлади.

Бугунги кунда минтақа давлатлари 1960 йилларда Ироқ, Эрон, Венесуэла, Қувайт, Саудия Арабистони, Қатар, Индонезия, Ливия, Бирлашган Араб Амирлиги, Жазоир, Нигерия, Эквадор, Габон каби давлатлар иштирокида ташкил этилган Нефть экспорти давлатлари

ташкилоти (ОПЕК, ингл. Organization of Petroleum Exporting Countries — ОПЕК) аъзоси сифатида умумжаҳон нефть захираларининг 60 фоизидан ортиғига эгалик қилиб, унинг ягона сотув нарҳини белгиламоқдалар. Биргина нефть экспортидан тушадиган бир кунлик фойда 600–700 млн. АҚШ долларини ташкил этмоқда.

Агар, минтақа давлатларини туризм салоҳияти ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришидаги ролини инобатга оладиган бўлсак, унинг жаҳон иқтисодиётидаги ўрнининг қанчалик катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Бу минтақанинг геосиёсий ва геоиқтисодий ўрнини белгилаб, минтақадаги кескин вазиятларнинг келиб чиқишини тасодифий эмаслигини англатади. Шу ўринда, биз асли ливанлик инглиз тарихчиси Алберт Хоуранинг, “Агар кимда ким Яқин Шарқни бошқарса, у дунёни бошқаради, ва агар ким дунё ҳукмронлигига ҳаракат қилмоқчи бўлса, у албатта, Яқин Шарққа қизиқишга мажбурдир”[Hourani 1947: 2], деб ёзган фикрида маълум даражада ҳақиқат ётганини таъкидлаш мумкин.

Дарҳақиқат, XX асрнинг 90 йилларида жаҳон геосиёсий майдонида юз берган туб ўзгаришлар, жумладан собиқ Иттифоқнинг парчаланиши, икки кутбли дунё тартиботининг тугатилиши натижасида ташқи кучларнинг бу ҳудудга бўлган қизиқиши янада ортди. Минтақада ҳукмронлик қилиш ва унинг табиий бойликларини қўлга киритиш мақсадида дунёнинг етакчи сиёсий кучлари ўртасидаги манфаатлар рақобатнинг кучайиши бир томондан, минтақа хавфсизлигига жиддий таҳдид солган бўлса, иккинчи томондан, бу рақобат, ўз навбатида, минтақадаги этносиёсий вазиятга жиддий салбий таъсир кўрсата бошлади.

XX аср бошларида Яқин Шарқни бўлиб олиш сиёсатида инглизларга қарши Россия-Франция яқинлашуви кузатилган бўлса, Германия Яқин Шарқда инглизлар каби ягона ҳукмронликни қўлга киритишга интилди. Бу мақсадда немис дипломатияси Яқин Шарқдаги темир йўлларни қуриш ва уларни бошқариш учун концессия олишга киришди.

Ўз навбатида, АҚШнинг дунё нефть захираларини қўлга киритиш ва жаҳон энергетика сиёсатини бошқариш каби олий стратегик режасини амалга оширишда Яқин Шарқ минтақаси ўта муҳим аҳамият касб этади. Шундан сўнг, Яқин Шарқ АҚШнинг ҳаётий муҳим манфаатлари мавжуд ҳудуд сифатида қаралиб, минтақада янги нефть захираларини кидириш ишларига фаол киришилди. Унинг бу борада олиб борган сайъ-ҳаракатлари натижасида 1946 йилга келиб, Яқин Шарқ минтақасида аниқланган нефть захираларининг 44 фоизи АҚШнинг нефть компанияларига тегишли бўлди.

АҚШ ташқи сиёсатининг сўнгги йиллардаги Яқин Шарқдаги фаолиятининг таҳлили, унинг минтақада ўз манфаатларини кўзловчи ҳар қандай масала юзасидан нафақат бошқа давлатларнинг, балки ўз иттифоқчилари манфаатларини ҳам эътиборга олмаган ҳолда ҳаракат қилаётганлигидан далолат бермоқда.

Россияга келадиган бўлсак, собиқ Иттифоқ парчалангандан кейин, Яқин Шарқ минтақасида ўз ўрнини йўқотган Россия, бугунги кунда минтақада ўз таъсир доирасини тиклаш ва кучайтириш мақсадида фаол ташқи сиёсат юритмоқда. Буни Эронга нисбатан санкцияни қўллаб-қувватламасликда ва Сурияга ҳарбий юришларни олдини олиш борасидаги сайъи-ҳаракатларида кўриш мумкин. Умуман олганда, Хитой ва Россия (шунингдек, кўплаб Европа давлатлари) Яқин Шарқдаги демократиялашмаган давлатларда сиёсий ислохотларни олиб боришда Америка таъсирини кучайишига қарши ҳаракат қилмоқда.

Маълумки, Хитой мазкур геосиёсий жараёнларда ўз энергетик хавфсизлигини кўзлаган ҳолда, Эронга нисбатан Ғарбнинг босимига қарши турмоқда. Хитойнинг араб давлатлари, Эрон ва Туркия билан иқтисодий ва энергетик алоқалари самарали ривожланиб бормоқда. Агарда Хитой 2007 йилда ўзининг энергияга бўлган эҳтиёжларини Яқин Шарқ минтақаси

давлатлари ҳисобидан 38,7 %га қондирган бўлса, 2010 йилга келиб бу кўрсаткич 47 %ни ташкил қилган. 2011 йилнинг охирига келиб Хитойнинг 18 та араб давлатлари билан товар айирбошлаш ҳажми 200 млрд. АҚШ долларини ташкил қилган [Кризис концепции 2018: 3].

Мутахассисларнинг фикрича, “Хитойнинг Эронни иқтисодий жиҳатдан қўллаб қувватлаши Яқин Шарқ минтақасида АҚШ ва Хитой ўртасидаги стратегик рақобатнинг муҳим элементи ҳисобланади” [Бобкин 2014: 4].

Илгари Хитойнинг мазкур минтақа давлатлари билан муносабатлари фақат иқтисодий ва ҳарбий соҳага йўналтирилган бўлса, ҳозирда ижтимоий-маданий йўналишга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Хитой ҳозирда ўзининг тили ва маданиятини оммалаштириш бўйича минтақада бирмунча натижаларга эришган [Howeidy 1990: 5].

Пекин университети профессори Ву Бингбинг таъкидлашича, АҚШ ва Россиядан фарқли ўлароқ Хитой Яқин Шарқдаги жараёнларга таъсир кўрсатишга ҳаракат қилмайди [Howeidy 1990: 5]. Шунинг билан бирга Пекин БМТда Сурия ҳукуматини қўллаб қувватлайди, Эрон билан энергетика йўналишида ҳамкорликни ривожантириб келмоқда ҳамда Фаластинни ҳимоя қилади. Шунингдек, Хитой мазкур минтақадаги йирик давлатлар билан барча соҳаларда алоқаларни ривожлантиришга ҳаракат қилиб келмоқда.

Гап шундаки, сўнги йилларда АҚШ Хитойни “геосиёсий блокада” қилишга уриниб келмоқда. Бу жараёнда Яқин Шарқ минтақаси алоҳида аҳамият касб этади. Вашингтоннинг Хитой билан ҳамкорлик қилаётган минтақада давлатларининг ҳар бирига сиёсий босим ўтказиб келиши ҳам тасодифий эмас. Буни биз минтақадаги можароларнинг географиясида ҳам сезишимиз мукин.

Бунинг исботи сифатида 2011 йилнинг апрелида Эронда АҚШ молия вазирининг собиқ ўринбосари Пол Крейг Робертснинг ОАВга берган интервьюсини мисол қилишиш мумкин. Жумладан у шундай деган эди: “Бизнинг Ливияда Каддафи ҳокимиятини қулатиш бўйича режаларимиз, авваламбор, Россия ва Хитойни Ўрта ер денгизи худудларидан умуман сиқиб чиқаришга қаратилган эди. Чунки Хитой Ангола ва Нигерия давлатлари билан бир қаторда Ливияга энергетик инвестициялар киритиб шу орқали ўзининг энергетика ресурсларга бўлган эҳтиёжларини қоплашни режалаштирган... Бу ишлар АҚШнинг 30-йилларда бўлгани каби Хитойнинг энергетика ресурсларга бўлган эҳтиёжларини рад этишга қаратилган... АҚШнинг Суриядаги манфаатлари шундан иборатки, айнан Сурияда Ўрта ер денгизини назорат қилиш имконини берувчи денгиз ҳарбий базалари мавжуд” [Пол Крей 2011: 6].

Форс кўрфази худудидан Хормуз бўғози орқали Қизил ва Ўртаер денгизига Сувайш канали бўйлаб асосий нефть маҳсулотлари ўтади. Бу, шунингдек, Ўртаер денгизидан Ҳинд океани ва кейин Осиё-Тинч океани минтақасига чиқувчи денгиз йўлини сезиларли даражада қисқартиради. Мазкур худуднинг Яқин Шарқ минтақасидаги бир қанча йўналишларни назорат қилиш имконияти, унинг минтақавий хавфсизлик тизимида муҳим ўрин эгаллаши ҳамда глобал иқтисодий ўсиш жараёнида энергетикага бўлган кучли талаб, дунёнинг ривожланган буюк давлатлари АҚШ, ЕИ, Хитой, Япония ва Россиянинг ташқи сиёсатида марказий ўринни эгаллаган ҳолда минтақага бўлган интилишини янада кучайтиради. Бу геостратегик рақобат, ўз навбатида, худудлар, портлар ва савдо тизимларини назоратга олиш юзасидан содир бўлаётган низо ва зиддиятларни янада кескинлаштиради.

Кўриниб турибдики, Яқин Шарқ минтақаси охириги икки аср давомида турли ташқи кучлар таъсир доирасининг муҳим объектига айланди. Минтақада геосиёсий вазият ривожланишининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бу ерда сўнги ўн йилликда дунёдаги энг кўп давлатлараро сиёсий, иқтисодий, диний конфессия ва этнослараро зиддият, қарама-қаршиликларга асосланган можаро ва қуролли тўқнашувлар содир бўлган. Ва бу тенденция ҳозирда ҳам сақланиб турибди.

Сўнги пайтларда ушбу ташқи кучларнинг ўз манфаатлари йўлида олиб бораётган геосиёсий ва геоиқтисодий рақобатли кураши минтақадаги вазиятни янада кескинлашувига олиб келди. Бунга энг сўнги мисоллардан қилиб “араб баҳори”, Суриядаги курулли можаролар, Исроил ва Фаластин ўртасидаги тўқнашувлар ҳамда АҚШ ва Исроилнинг Эронга нисбатан ҳозирги муносабатларини кўрсатиш мумкин.

Минтақа давлатлари ўртасидаги ягона этносиёсий ёндашув ҳамда барқарор мувозанатнинг мавжуд эмаслиги ушбу ташқи кучлар қўлида жиддий курул вазифасини бажармоқда. Натижада бугун минтақада араб-исроил муаммоси билан бирга, бир қатор бошқа жиддий можаролар сақланиб қолмоқда. Бундай жиддий муаммолар орасида тўртта давлатда истиқомат қиладиган лекин, ўз давлатига эга бўлмаган курдлар муаммоси, Ироқ жанубидаги шиа вакилларининг мустақиллик йўлидаги ҳаракатлари, Судан жанубий штатларининг алоҳида бўлишга интилиши, кўп конфессияли Ливанда шиа, сунний, мароний ва друзлар ўртасидаги келишмовчиликлар, Саудия Арабистони ва Баҳрайндаги сунний ва шиалар ўртасидаги ихтилофлар, Мисрда мусулмонлар ва христиан коптлари ўртасидаги, Жазоир ва Марокашда араб ва берберлар, Мавританияда араб ва нигерлар ўртасидаги низоларнинг келиб чиқиш хавфи, Ливияда уруғ-аймоқчиликнинг кучайиб бораётганлиги ва сепаратистик ҳаракатларнинг тобора авж олиши каби кўплаб муаммоларни келтириш мумкин.

Юқоридаги таҳлиллардан кўриниб турибдики, Яқин Шарқдаги геосиёсий жараёнларда ташқи куч омили, унинг минтақадаги этносиёсий муносабатларга таъсири ўзининг узок тарихий илдизлари ва хусусиятларига эга бўлиб, бугунги кунга қадар сақланиб келмоқда. Бу биринчи навбатда, минтақа энергетик ресурсларини қўлга киритиш, ва шу орқали жаҳон геосиёсий жараёнлари етакчи давлат сифатида ўз позицияларини мутахкамлаш, ушбу ҳудудда мутлоқ ҳукумдорликни ўрнатиш каби стратегик мақсадларда намоён бўлмоқда. Гарчи бу ҳолат яна давом этадиган бўлса, яқин келажакда Яқин Шарқ минтақасида дунёнинг етакчи давлатлари жумладан, АҚШ, ЕИ, Россия, Хитой, Япония каби мамлакатларнинг манфаатларига тўғридан-тўғри таъсир ўтказувчи йирик курулли тўқнашувлар содир бўлиши мумкин деган хулосага ҳам келиш мумкин бўлади. Бунинг учун бугун минтақада, афсуски, барча етарли “шароитлар” мавжуддир.

Бундай ҳолатда минтақада ташқи куч таъсирини камайтириш, улар ўртасидаги кучлар мувозанатини сақлаш минтақа хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим шартларидан бир бўлиб, минтақа давлатларининг Араб Давлатлари Лигияси ташкилоти доирасидаги ўзаро ҳамкорлигини самарали йўлга қўйган ҳолда: **биринчидан**, Фаластиннинг чегараларни белгилаш ва Исроил билан яхши муносабатларни йўлга қўйишга; **иккинчидан**, минтақадаги курдлар муаммосини ҳал қилишга; **учинчидан**, минтақа давлатлари муносабатларида маданий-гуманитар соҳалардаги алоқаларни ривожлантиришга, **тўртинчидан** ташқи таҳдидларга биргаликда курашишга асосий эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, минтақадаги геосиёсий жараёнларнинг барқарорлигини таъминлаш ва кучлар мувозанатини ўрнатишда анъанавий иштирокчи давлатлардан ташқари Япония, Хитой каби бетараф давлатларни ҳам ушбу жараёнга жалб этиш, айти пайтда Яқин Шарқда анчадан бери муҳим ўрин тутиб келаётган Германия, Франция, Буюк Британия сингари давлатларнинг мавқеини тиклаш муҳим аҳамият касб этиши ҳақидаги экспертлар фикрлари ҳам эътиборга лойиқдир.

АДАБИЁТЛАР (REFERENCES)

1. Гафуров С.М. Хавфсизлик стратегияси: Марказий Осиё республикалари ва Форс кўрфази араб давлатлари амалиёти. Т., 2007. – Б. 110..
2. Hourani A.H. Minorities in the Arab World, London: OxfordUniversity Press, 1947. –P. 234.

-
3. Кризис концепции «Большой Ближний Восток». Интернет манбаа: http://www.iran.ru/news/analytics/85840/Krizis_koncepcii_Bolshoy_Blizhniy_Vostok
 4. Николай Бобкин. Иран и Китай: в основе дружественных отношений прагматизм // Новое Восточное Обозрение, 21 февраля 2014 г.
 5. Howeidy F. Citizens Not Protected (in Arabic), Cairo: Dar El Sherouk, 1990
 6. Интервью Пол Крэйга Робертса: <http://youtu.be/R64IEOBWFQc>